
NOGIRONLARGA E'TIBOR

3 декабрь - Халқаро ногиронлар куни муносабати билан О'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши аппарат раҳбари Ҳалимжон Раҳмонов ташаббуси билан Тошлоқ туманидаги Фурқат маҳалла фуқаролар йиғини, Гулистон кўчаси 23- уйда яшовчи Хадича ая Раҳмонованинг ҳолидан хабар олинди.

Онахон узоқ вақтлардан буён ногиронлик аравачасига муҳтож эди. О'zLiDeP Фарғона вилояти Кенгаши аппарат раҳбари Ҳалимжон Раҳмонов бошчилигидаги партия фаоллари, Фурқат МФЙ раиси Э.Эрматов ҳамда Ёшлар етакчиси С.Ахмаджоновлар иштирокида онахонга ногиронлик аравачаси топширилди. Хадича ая Раҳмонова бундай эътибордан ҳурсанд бўлиб, О'zLiDeP партияси етакчиларига ўз миннадорчилигини билдирди.

2022-12-02 18:35:10